2003 YIL 9 OKTYABR, PAYSHANBA

# Qishloq HAYOTI

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№126 (6.651). Sotuvda erkin narxda

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ГРУЗИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзенинг таклифига биноан 2003 йил 9-10 октябр кунлари давлат ташрифи билан Грузияда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши ҳамда қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И*

## А.А.Азизхўжаевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Алишер Аббосович Азизхўжаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 7 октябрь

# ТАШАББУС ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 7 октябрь куни янги тузилаётган Ўзбекистон либерал-демократик партияси ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни юксалтириш, умуман халқ фаровонлигини ошириш ҳамда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда кичик ва ўрта бизнес вакиллари ҳамда тадбиркорларнинг ҳиссаси тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Бугун мамлакатимизда 240 мингдан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъекти фаолият юритмоқда. Уларнинг саксон беш мингини фермер хўжаликлари ташкил этади.

Юртбошимиз бу ерга тўпланганлар янги партия тузиш ташаббуси билан чиққанини, бундай ташаббус Конституциямиз ва амалдаги бошқа қонунлар доирасида, ҳар томонлама чуқур мушоҳада билан амалга ошириладиган бўлса, уни қўллаб-қувватлаш лозимлигини айтди.

Мустақиллик юртдошларимиз онгида катта ўзгаришлар ясади. Одамларимизда, айниқса, ёшларимизда тадбиркорлик билан шуғулланишга кучли рағбат уйғонмоқда. Улар ўз иши, ўз бизнесини ташкил этиши учун мамлакатимизда барча ҳуқуқий асослар яратилган.

Учрашувда тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати фаоллари - Ўзбекистон либерал-демократик партиясини тузиш ташаббус гуруҳи аъзолари: «Пахтабанк» бошқаруви раиси Қ.Тошматов, Тошкент шаҳридаги «Файз-барака» компанияси раҳбари М.Акромова, Ўзбекистон туманидаги «Умид» фермер хўжалиги бошлиғи И.Назаров, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ходими Ш.Орипов ва бошқалар сўзга чиқиб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳимоялаш, соҳада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш борасидаги эътибори ва янги партия тузиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

**(ЎзА)**

Д.ЮСУПОВ олган суратлар.





## Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ижтимоий қатлами Ўзбекистон сиёсий майдонида ўз ўрнини эгаллаши лозим

### Президент Ислом Каримовнинг янги тузилаётган сиёсий партия ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашувдаги н у т қ и

Азиз дўстлар!

Бугун сизлар билан ўтказилаётган учрашувимизнинг асосий мақсади - ҳаётимизнинг ўзи, тез ўзгараётган замон олдинга сураётган долзарб бир масала устида фикр алмашишдан иборат.

Мендаги маълумотлар бўйича, мана шу учрашувга таклиф этилганларнинг аксарияти анчадан бери битта масала устида бош қотириб, бу борада тегишли идораларга чиқиш, мурожаат этишни муҳокама қилмоқда. Яъни, Ўзбекистон сиёсий майдонида янги партия тузиш ҳақида, унинг ғоя ва мақсадлари, таъсис ҳужжатлари, дастури хусусида муҳокамалар, баҳслар олиб бориляпти.

Албатта, бундай ташаббус Конституциямиз ва бошқа қабул қилган қонунларимиз доирасида, ҳар томонлама чуқур тайёрланиб, амалга ошириладиган бўлса, бунга, ўйлайманки, ҳеч ким қарши чиқмайди. Ва аксинча, бу таклифлар замиридаги мақсад ва интилишлар ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, одамларимиз, аҳолимизнинг орзу-умидларига мос келадиган бўлса, охир-оқибатда халқимизнинг оғирини енгил қилишга хизмат этса, айни муддао бўлади.

Бугунги учрашувда мана шу қараш ва ёндашувлар, ҳаракатлар бўйича атрофлича мулоҳаза юритиб, фикр алмашиб олсак, табиийки, бу ҳам фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Бугун эл-юртимиз кечираётган ҳаёт, давлатимиз, жамиятимиз олдига қўйган эзгу мақсадлар йўлидаги ҳаракатларимиз, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда танлаган бошқариш тизимини амалга ошириш борасида қўлга киритаётган ютуқлар, айни вақтда, шуни ҳам очиқ айтиш керак, ҳуқуқий демократик, бозор иқтисодиётига асосланган давлат қуриш жараёнида дуч келаётган муаммолар ҳақида, ўйлайманки, барчангиз амалий фаолиятингиз мисолида яхши хабардорсиз.

Мен, имкониятдан фойдаланиб, жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги ва эртанги босқичида сиёсий партияларнинг ўрни, мавқеи ҳамда вазифалари ҳақида тўхталиб, сиз, янги партия тузиш ташаббускорлари билан мамлакатимиз ҳаётида бу йўналишдаги мавжуд вазият бўйича очиқ гаплашиб олмоқчиман.

Ўйлайманки, бу ҳеч кимга сир эмас - ҳар қандай партия ва ижтимоий ҳаракатнинг пайдо бўлиши, аввалambор, шу юрт ҳаётида содир бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлар, аҳолининг, ижтимоий-сиёсий гуруҳ ва қатламларнинг хоҳиш-иродаси, интилишлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Бошқача айтганда, ҳар қандай партия ёки ижтимоий ҳаракат, биринчи галда, аниқ ғояларнинг тарафдори, муайян гуруҳларнинг манфаатларини аниқ тасаввур қиладиган, шу қарашларни олдинга сурадиган, ҳимоя қиладиган ва ҳаётга татбиқ этиш учун курашадиган куч сифатида майдонга чиқади.

Шу борада ўз-ўзидан аён бўлиши керакки, кўппартиявийлик шароитида ҳар қандай партия ва ҳаракат жамият ва халқ орасида обрў топиш эвазига, аввалambор, сайловолди ва сайлов даврида ўз ғоялари, дастури ва амалий ишлари билан сайловчиларни ўзига эргаштира олиш ва кўпроқ овоз тўплаш ҳисобидан қонунчилик ва ижро ҳокимиятларига ўз вакилларини ўтказиш ва шулар орқали ўз олдига мақсад қилиб қўйган ғоя ва интилишларни амалга ошириш билан ўзини намоён қилиши табиий.

Шу талабларга жавоб бермайдиган, амалий ҳаёт билан боғланмаган, ҳавойи интилишлар, фақатгина чиройли, лекин қуруқ даъват ва чақириқлар билан яшайдиган сиёсий куч эса - у партия бўладими, ижтимоий ҳаракат бўладими - охир-оқибатда инқирозга юз тутади ва халқ назаридан қолади. Бундай тизим ва ҳолат барча демократик давлатларда табиий бир ҳолга айланган.

Албатта, демократик жамият қуришга бел боғлаган ва бунга эришган давлатларда бирон-бир сиёсий кучнинг ўз мавқеи ва ўрнига эга бўлиши, обрў қозониши учун, сиёсий партия ёки ижтимоий ҳаракат бўлиб шаклланиши учун, шубҳасиз, маълум вақт ва тажриба керак бўлганини кузатиш мумкин.

Агарки, Америка, Европа ёки Осиёдаги ривожланган демократик давлатлар мисолида кўрадиган бўлсак, уларда ҳозирги кунда етакчи куч тариқасида фаолият кўрсатаётган партиялар узоқ ва мураккаб, давомли тарихга эга бўлгани, қанча-қанча ижтимоий-сиёсий кураш ва тўфонларни бошидан кечиргани, халқ ишончини қозониш учун оғир йўлларни босиб ўтгани ва бугун ҳам доимий ҳаракатда эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Бир сўз билан айтганда, ҳар қайси партиянинг ўз тарихи, сиёсий қиёфаси ва, энг аввало, бутун фаолиятининг негизида аниқ ва халққа, жамиятга тушунарли, таъсирчан ғоялар мужассам бўлиши шарт.

Тан олишимиз керакки, биз мустақилликка эришгандан кейинги мана шу 12 йиллик даврда бу масалада ҳам бирмунча ҳаётий тажриба орттирдик.

Бошимиздан кечирган, ўзини оқламаган яккапартиявийлик, зўравонлик тизими, халққа маъқул ёки номаъқул бўладими, фақатгина битта ғоя ҳукм сургани, халқимиз тарихида қандай салбий из қолдиргани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча бўлса керак.

Буни барчангиз Ўзбекистонимизнинг яқин тарихидан яхши биласиз ва бундан тегишли хулосалар чиқаргансиз, деб ўйлайман.

Юртимизда етмиш йилдан кўпроқ яккаҳукмронлик қилган ана шу мафкура, минг афсуски, кўпгина одамларимизнинг онги ва тафаккурига ўрнашиб қолгани ва ҳамон ўз исканжасидан чиқармаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Ҳали-бери ҳаётимизга салбий таъсир ўтказаётган кўпгина мисоллар қаторида боқимандалик касаллиги ҳақида гапирадиган бўлсак, эски замондан қолган бундай асоратлар нақадар кучли эканини сезиш қийин эмас.

Ҳозирги вақтда биз ҳуқуқий демократик, бозор иқтисодиётига асосланган давлат, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт қуриш учун интилмоқдамиз. Бу ҳаётнинг сиёсий-ижтимоий асослари бўлган демократия принципларини, кўппартиявийлик муҳитини мустаҳкамлаш, партиялар фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш бугунги ҳаётимизнинг энг муҳим вазифаси, эртанги тараққиётимизнинг гарови бўлиб қолмоқда. Барча тараққий топган демократик давлатлар босиб ўтган бу йўл биз учун ҳам ягона тўғри йўл экани ҳақида такрорлаб гапириб ўтиришнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Ҳаммамизга маълум, ҳозирги кунда мамлакатимизда мавжуд бўлган партиялар, яъни Халқ демократик, «Адолат» социал-демократик, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партияси эски тузумдан мутлақо фарқ қиладиган янгича шароитда, кўппартиявийлик муҳитида ишламоқда, имкон қадар жамиятда ўз ўрнини топишга, одамларни ўз ғояси, ўз дастури атрофида жипслаштиришга интилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизнинг эркин ва озод ҳаёт, демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлида қўяётган қадамлари барчамизни қувонтиради.

Лекин, таассуфки, шу мақсадга эришишга қаратилган жараёнлар, аввало, ҳақиқий кўппартиявийлик муҳитини барпо этиш, ҳар қайси партиянинг аниқ, фақатгина ўзига хос қиёфага, ўз тарафдорлари ва сайловчиларига эга бўлиши, олдинга сурадиган ғоялари ва дастурларини амалга ошириш учун қатъий кураш олиб бориши жуда суст кечмоқда. Бундай интилиш ва ҳаракатлар, айтиш мумкинки, умуман сезилмаяпти.

Шуни яна ва яна бир бор афсус билан таъкидлашга мажбурман - ҳозир жамиятимизда шу масала бўйича кечаётган жараёнлар ҳеч кимни қониқтирмайди. Ва бундан керакли хулосалар чиқариш айни муддао бўлур эди.

Албатта, барча партияларимизни бир-бирига яқинлаштираётган жиҳатларнинг мавжудлиги - улар сиёсий, иқтисодий мақсад ёки дастур бўладими - бу ҳам табиий ҳол.

**(Давоми 2-бетда)**

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

**● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Ислом тараққиёт банки (ИТБ) вице-президенти Амадоу Боубакир Сиссе Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси З.Мирхўжаев билан учрашди.**

**● Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Словения Республикаси ташқи ишлар вазири Дмитрий Рупель раҳбарлигидаги делегация аъзолари 7 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов билан учрашди.**

**● Вазирлар Маҳкамасида Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари мажмуининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Орипов бошқарди.**

**● Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга жалб этилган йигитлар Чирчиқ гарнизонида қасамёд қабул қилди.**

**● Самарқандда ўтган халқаро илмий-амалий анжуман давлат ва дин муносабатларига бағишланди. Унда ўнга яқин мамлакатдан келган олимлар ва уламолар иштирок этди.**

**● Тошкент фармацевтика институтида доривор воситалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва сифатини назорат қилиш масалаларига бағишланган семинар бошланди.**

**● Жондор туманининг Н.Ражабов номидаги ширкат хўжалигининг Дукки қишлоғи ёшлари учун спорт мажмуи қуриладиган бўлди.**

**● Қиймати 173,2 миллион сўм бўлган спорт иншоотини қуриш имкониятини кўплаб қурилиш ташкилотлари иштирок этган тендер танловида «Вилоятқурилиш» хиссадорлик жамияти қўлга киритди.**

**● Педиатрия илмий текшириш институтида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида болаларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдам сифатини янада яхшилаш масалаларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.**

**● Пойтахтимизда мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги ҳамда Обод маҳалла йилига бағишланган «Давр садолари» мусиқа фестивали бошланди.**

**● Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Марказий Осиёда юқумли касалликларни кузатиш бўйича уч кунлик минтақавий конференция иш бошлади.**

## АДОЛАТ МЕЗОНИ

***Эндиликда оиласидан ажралмаган ҳолда маҳкум нафақат оила таъминотини йўлга қўяди, балки фарзандлари тарбиясида ҳам иштирок этади. Агар у унча оғир бўлмаган жиноят содир этган ҳамда биринчи марта озодликдан маҳрум қилинган бўлса.***

**ФАРМОН ВА ИЖРО**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши қонунчилигимизга, ўзлигимизга хос бўлган бағрикенглик, кечиримлилик фазилатларининг об-ҳавосини олиб кирди. Жорий йилнинг 26 сентябрида эълон қилинган "Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонини, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизда шу тарзда изчил амалга оширилаётган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мантиқий давоми ҳисоблашимиз мумкин.

**(Давоми 2-бетда)**

**ДАВР**

## ҲУҚУҚИМНИ АНГЛАБ ЕТДИМ

***Сўнгги йилларда юртимизда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига, уларнинг ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Бу мамлакатимизнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, қишлоқ хўжалигининг аграр соҳаси билан бевосита боғлиқ.***

Аҳолининг турмуш даражасини ривожлантириш, уларнинг яшаш шароитини яхшилашда, айниқса, фермерчилик ўз самарасини кўрсатмоқда. Аммо бу янги иқтисодий жараённи бошидан кечираётган деҳқон ва фермерлар ўз меҳнат тажрибаларида, иш жараёнларида айрим муаммоларга дуч келмоқда. Таҳририятимизга хат йўллаган Жиззах вилояти Арнасой туманининг "Довонсой" фермер хўжалиги раҳбари Рўзимурод Нуржоновнинг шу мазмундаги мактуби эътиборимизни тортди. Мактубда фермерларга тўсиқ бўлаётган ғовлар ва уларнинг фаолият юритишида қўл келаётган ибратли ишлар ҳақида сўз юритилади.

**(Давоми 3-бетда)**

## ГАП ФАҚАТ РАҲБАРДАМИ?

**ТАҲЛИЛ**

***Балиқ етти хазинанинг бири. Оқсилга бой парҳез таом. Халқимизда уни луқмаи ҳалол, дейишади. Юртимизда балиқ маҳсулотларини эҳтиёж даражасидагина етиштириш эмас, балки экспорт қилиш имкониятлари ҳам мавжуд. Бироқ, узоқ йиллик истибдод даврида тармоқ ривожига аҳамият берилмади.***

Давлатимиз мустақилликка эришгачгина бу соҳага алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг "Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу йўлда ташланган истиқболли қадам бўлди.

Хўш, қарорда кўзда тутилган мақсад ва вазифалар нуқтаи назаридан Самарқанд балиқчилик корхонаси фаолиятига бир назар ташласак.

Унинг идораси Пайариқ туманидаги ихтисослаштирилган хўжаликда жойлашган. Таассуфки, бу ерда корхонанинг вилоят миқёсидаги фаолиятини марказлаштириш, самарали бошқариш тугул эркинроқ ўтиришнинг ҳам иложи йўқ. Корхона раҳбари Жумабой Султонов, бош ҳисобчи Мамадали Жозилов, бош балиқшунос Тошпўлат Аввалбоевларга тирбанд жойлашган собиқ савдо дўконининг биргина хонаси ажратилган, холос.

**(Давоми 3-бетда)**

**ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР**

## НАФС КЕЛТИРГАН МУСИБАТ

***Фотимахон ва Сайёрахонга тақдир Сирдарё вилояти Янгиер шаҳрининг "Бухоро" тор кўчасида қўшни бўлиб яшашни раво кўрди.***

Бунинг нимаси ажабланарли, деб хулоса чиқаришга шошилманг. Гап шундаки, бу икки "дугона"нинг қисмати ҳам, орзу умидларию, ҳаётлари ҳам, ҳаётда "экканы" ҳам, "ўргани" ҳам "қўшни" бўлиб қолди.

Дугоналар лоақал бирор жамоада бирга ишлашгани ҳам, бирор муассасада илмий иш қилишгани ҳам йўқ. Уларни дугоналикка чорлаган нарса охир-оқибат ҳар қандай инсонни балога гирифтор қилувчи НАФС бўлди.

Ўтган йилнинг 9 декабрида Янгиер шаҳрида нохуш бир воқеа содир бўлди. Ислом исмли номаълум шахс ярим кило целлофан халтага солинган героин моддасини сотиб бериш учун Фотима Саидисоевага келтириб беради. Фотима эса ўз навбатида тушган фойдани ўртада бўлиб олиш шарти билан "мол"га харидор топиб беришни Сайёра Ширматовадан сўрайди. "Худо бераман деса ҳеч гапмас, "ол қулим" деб турганга ўхшайди".

**(Давоми 3-бетда)**

## «АМЕРИКАДА ЮРИБ НУКУСНИ СОҒИНДИМ"

**ТАЪЛИМ**

***"Олти ҳафта мен учун бир неча йилдай бўлиб туюлди. Табиийки, океан ортида ўз соҳамиз бўйича малака ошириб, тажриба орттирдик.***

Осмонўпар бинолару, энг сўнгги электрон техника билан жиҳозланган университет ва мактаблар, тўкин-сочин супермаркетлар бизни ҳайратлантирди. Аммо шундай бўлса-да, Нукусни, она Ўзбекистонни соғиндим", дейди Нукус шаҳар 1-сон гимназия директори ўринбосари Гулора Бекимбетова.

У АКСЕЛС дастури бўйича АҚШда тажриба ошириб Вашингтон, Миссури штатлари, Канзас шаҳридаги университет ва мактабларда бўлиш жараёнида америка таълим тизими билан яқиндан танишди. Шунингдек, Эрик Жакоб, Том Вонстин сингари олимлар билан яқин мулоқотда бўлиб, зарур маслаҳатлар олди.

-Миссисипи дарёси бўйида юриб қадим Амударёни, Канзасдаги муҳташам музейда бўлиб Нукусдаги санъат музейини, Миссури штатидаги мактаблар билан танишиб эса ўз ўқувчиларимни соғиниб кетдим. Айниқса, АҚШдан келиб, 70 йиллик юбилейи боис таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган Нукус кўзимга тўтиё бўлиб кўринди, - дея таассуротларини ўртоқлашади Гулора опа.

Қизиғи шундаки, моҳир педагог меҳнат қилаётган гимназиядаги кўплаб ўқитувчи ва ўқувчилардан ҳам ана шундай бой таассуротлар билан бирга, соғинчли сафар сурурини тинглаш мумкин.

**(Давоми 4-бетда)**

**ҲИКМАТ**

*Буюк ишни ваъда қилмай туриб, буюк иш қил.*

**ПИФАГОР**

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ЕРНИ АЛДАГАН ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ

БОШИМ ОҒРИБ КЕТДИ

ДЎМБИРАНИНГ СИРЛИ ОҲАНГИ

# ҲУҚУҚИМНИ АНГЛАБ ЕТДИМ

(Боши 1-бетда)

Жиззах вилоятининг Арнасой туманида 1980 йилдан буён деҳқончилик билан шуғулланиб келаман. Деҳқонларга ер берилиб, мустақил равишда фермер хўжаликлари ташкил этила бошлаганда, мен ҳам туман ҳокимлигидан 66,1 гектар ерни ижарага олиб "Довонсой" номли фермер хўжалиги очиб, бир неча йилдан бери меҳнат қилиб келмоқдаман. Ериминг 30 гектарига ғалла, 26 гектарига пахта экдим. Қолган жойга ҳукуматимиз қарорига асосан томорқа экканман.

Туман МТП корхонаси билан 2003 йил 26 майда "Қишлоқ хўжалик корхоналарига механизация ёрдамида бажариладиган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича" 242-сонли шартнома туздик. Бироқ МТП корхонаси 7 июлда ўриш учун сертификат берилса-да, 21 июл куни ўриш учун 2 та "Кейс" комбайни ажратди. Пишиб етилган ғалла ўз вақтида ўрилмаганлиги натижасида ғаллани шўра, қамиш каби бегона ўтлар босиб кетди. Шу сабаб ажратилган комбайнлар ғаллани техник сабабларга кўра 16 гектарини ўриб, қолганини ўриб бермади. Пишиб етилган буғдой бегона ўтлар орасида қолиб кетди. Фермер хўжалигим давлатга 45,7 тонна ғалла сотиш мажбуриятини олган эди. МТПнинг айби билан давлатга 18 тоннагина дон топширдим. Икки ўртада тузилган, ҳуқуқий мақомга эга бўлган шартноманинг МТП томонидан тўлиқ бажарилмаслиги натижасида фермер хўжалигимиз катта миқдорда зарар кўрди. Бунда менинг ўзимнинг ҳам ҳуқуқий саводсизлигим панд берди.

Яқинда вилоят хўжалик суди қошида очилган ўқув марказида фермерларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ўқув курслари очилганлигидан хабар топдим. Мен у ерга ўқишга бордим ва ўқув машғулотларида қатнашиб ўз ҳуқуқий онгимни ошириб қайтдим. Бу ерда бизга хўжалик суди судьялари, прокуратура, солиқ, адлия органларининг малакали ходимлари сабоқлар берди. Мен ва мен каби фермерлар сабоқлар натижаларидан зиммамизга юклатилган мажбуриятларни англаб етиш билан бирга ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни ҳимоя қилиш учун хўжалик судига мурожаат қилишни тушуниб етдик. Машғулотларда кераклли билимлар олиш билан бирга жойларда тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан қай тартибда алоқа ўрнатиш ва ҳамкорликда ишлашни ўргандик. Биз фермерларнинг ҳуқуқий онгини ошириш йўлида ўзларининг беминнат ёрдамларини кўрсатаётган ўқув маркази ходимларидан, биз каби деҳқонларни ҳам қўллаб-қувватлаётган хўжалик судидан ҳам жуда миннатдорманки, уларнинг ёрдамида ҳақимни ажратиб олдим, ҳуқуқим тикланганлигидан хурсандман.

**Рўзимурод НУРЖОНОВ,**
**"Довонбой" фермер хўжалиги раҳбари.**

# ГАП ФАҚАТ РАҲБАРДАМИ?

(Боши 1-бетда)

Телефон, компьютер ва бошқа жиҳозлар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Корхонадаги мавжуд 11 та техниканинг биттасигина ишга яроқли.

Идорада бизни қизиқтирган саволларга жўяли жавоб берадиган бирор мард топилмади. Ҳисобчи яқинда иш бошлаганини айтиб, ўзини четга олди. Собиқ ҳисобчи З.Зиёвуддинова табиий кўлларда балиқчилик билан боғлиқ сохта ишлари учун суд қарорига кўра бўшатилган экан. Бухгалтерия ҳужжатлари, суд қароридан кўчирма қаердалигини ҳатто ҳеч ким билмайди ҳам. Хайрият, 2001 йилда "Самарқандбалиқ" масъулияти чекланган хўжаликка раислик қилиб турган Бадри Тешаевнинг ишини қониқарсиз деб топилган далолатнома бор экан. Унда қайд этилишича, 2000 йилда вилоят бўйича жами 69,5 тонна балиқ етиштирилган. 2001 йилга келиб бу кўрсаткич 41 тоннага тушган. 2002 йилги маълумотлар эса топилмади.

Корхона жорий йилдан бошлаб тўлиқ фермерлик асосида иш юрита бошлади. Мавжуд 332,3 гектарлик майдондаги ҳавзалар олти нафар фермерга шартнома асосида берилди. Балиқхоналарни айланар экансиз, соҳадаги оқсоқликлардан кўнглингиз хуфтон бўлиши турган гап. Ўттиз йилдан зиёдроқ вақт ўтибдики, йўллар асфальтланмаган. Балиқчилар ҳамон вагонларда, наридан-бери тикланган каталакдек гувала хоналарда шам ёқиб кун кечиришмоқда. Электр нури, телевизор, радио, газета-журналлар тўғрисида гап очишга ҳам ҳожат йўқ. Назаримда, балиқчилар бу каби ҳаёт тарзига кўникиб кетишганга ўхшайди. Балки...

Эгасизлик ва масъулиятсизлик оқибатида ҳавзаларни бегона ўт, қамиш босиб кетган. Тўқайзорга айланиб қолган 50 гектар ҳавзада умуман балиқ боқилмаяпти. Ачинарлиси, ҳавзалар учун ажратилган ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш оддий ҳолга айланган. Бир мисол. 96,8 гектар балиқхонаси бўлган "Тайдул А.В." фермер хўжалигига тегишли ҳавзада шолининг барқ уриб ўсаётганлигига нима дейсиз?..

Ушбу йилда фермерлик уюшмасига айлантирилган собиқ акциядорлик жамияти (бу ҳақда ҳам ҳеч қандай ҳужжат кўрсатиша олмади, ҳатто акция қоғозлари тўғрисида ҳам) айни дамда 8 миллион 600 минг сўмлик қарзга ботиб турибди. Фермерлар эса Жумабой Султонов раҳбар этиб тайинланган корхонага даромадлари ҳисобидан фоиз тўлашни исташмайди ҳам. Ўзбошимчалик, муштни бир ерга ура олмаслик оқибатида бу йил олиниши керак бўлган аммофос миқдорида олинмаган, селитра умуман келтирилмаган. Биргина маҳаллий ўғит ва омухта ем билан ҳосилдорликни ошириб бўладими?

Хуллас, гапирсак, муаммолар ивилдириқдек кўп, ечим эса ҳали ҳамон топиладиганга ўхшамайди. Биргина умид янги раҳбарларнинг ишбилармонлигидан. Агар улар елиб-югурсалар, тадбиркорлик билан иш юритсалар, соҳани қисқа даврда оёққа қўйиш мумкин, бунга барча асослар бор.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## АРГЕНТИНА ЎРДАКЛАРИ МЎЙНОҚДА

***Орол денгизи бағридаги Мўйноқ тумани бир пайтлар балиқлари билан машҳур эди. Ажабмаски, энди мўйноқликлар ўрдаклари билан донг таратсалар.***

**ИСЛОҲОТ**

Негаки, Германиянинг техникавий ҳамкорлик жамияти билан ҳамкорликда уч йилдирки, денгиз чекинган қум барханларига черкес, қандим, саксовул каби ўсимликлар экиб борилмоқда. Натижада бугунга келиб ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида 15 минг гектар майдонда саксовулзорлар барпо этилди. Бу билан тузли қум тўфонларининг ҳавога кўтарилиши камаймоқда.

Айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш борасида 2005 йилгача Оролбўйидаги аҳолига ижтимоий кўмак бериш лойиҳаси тузилиб, яхшигина ишлар қилинмоқда. Лойиҳа мутахассиси Давлетбой Еденбоевнинг айтишича, ўтган йили синов учун бешта Аргентина ўрдаги олиб келиб парваришланган эди. Буни қарангки, бир йил ўтиб, иқлим шароитига жуда тез мослашганлиги, кам сув талаб этиши туфайли уларнинг сони мингдан ошди. Бу эса 8 кишининг мунтазам иш билан таъминланишига сабаб бўлди. Айни пайтда 600 дона ўрдак тухуми инкубаторда сақланмоқда.

Аргентина ўрдакларининг Мўйноқдаги табиий-иқлим шароитига тез мослашиб кўпайиши йилига 2,5-3 тонна парҳез гўшт тайёрлаш имкониятини яратмоқда.

**Умид БЕКМУХАММАД**



**Айни кунларда Қорақалпоғистон Республикаси пахта далаларида иш қизғин. Теримчию ҳашарчилар ҳосилни тезроқ териб олишга бел боғлашган. Айниқса, Тўрткўл туманида "Уллубоғ" ширкат хўжалигининг илғор теримчиси Гўзал Оразова кеча эл хирмонига 150 кг пахта териб, барчага ибрат бўлди.**

**СУРАТДА: Гўзал Оразова.**

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

# НАФС КЕЛТИРГАН МУСИБАТ

(Боши 1-бетда)

Ширматова оёғи олти бўлиб молга харидор излай бошлади. Ниҳоят у 11 декабр куни соат 16 ларда харидор топилганини Саидисоевага айтади ва ундан героинни олиб, келишилгандек ўзи яшайдиган 8-уйнинг дарвозаси ёнида харидорга пулламоқчи бўлади. "Мол" 3500000 сўмга пулланаётганда оғуфурушни худонинг ўзи "Тос тебасидан урса" денг. "Харидор" ички ишлар ходимлари экан – далилий ашё билан С.Ширматовани қўлга оладилар.

Шундай қилиб яна бир жиноий гуруҳнинг тил бириктириб оғир жиноятга қўл ураётганда пайи қирқилди. Хўш, мабодо бу гуруҳнинг "иши ўнгидан келиб" 500,0 грамм героин моддаси ҳамшаҳарларимизга сотилиб кетганда нима бўларди?! Шу ишнинг олдини анча олдин, ҳуқуқ идоралари аралашувисиз олиш мумкинмиди? Келинг, шу икки саволга жавоб излаб кўрайлик.

Ҳар биримиз турли ҳужжатли, бадиий кинолавҳаларда эл назарига тушган, ўқимишли, илмли, обрўли, ҳавас қилгудек оилали, юқори мартабали йигитларнинг гиёҳвандлик балосига учраб эл назаридан, обрў-эътиборидан, мансабу вазифасидан, ҳатто оила, бола-чақа, ота-онасидан, баъзилари эса жонидан ҳам ажраб қолганлигининг кўп бор гувоҳи бўлганмиз. Кинофильмларни бир чеккага қўя турайлик, шаҳримизда ҳар биримиз гиёҳвандликка ўрганиб қолган, ҳатто "Игнага ўтириб қолган", ўн гулидан бир гули очилмаган ёшларни биламиз. Улар менинг, сизнинг, унинг қўшниси, дўсти, синфдоши, қариндоши. Улар биз билан сиз яшайдиган маҳаллаларда, бизнинг орамизда истиқомат қилишади. Улар қачон, қандай қилиб бундайин балога гирифтор бўлишган.

Маҳаллангизда бир банданинг гулдай қизи девор-дармиён қўшнингиз, умрини гиёҳвандлик балоси ихтиёрига топшириб қўйган йигит хонадонига келин бўлиб тушди. "Қандай банданинг қизи экан, ким билан қуда бўлаётганини қалай билмади экан", дея келин томонга раҳмингиз келади. Тўйдан кейиноқ келиннинг сепи бирин-кетин сотилиб кетаётганини эшитасиз. Куёвнинг-да хонадонига ўн чандон кўпроқ раҳмингиз келади. "Осмон узоқ, ер қаттиқ" – қўлингиздан ҳеч нарса келмайди, ёрдам берай десангиз. Ачиниб-ачиниб бир куни бечора йигитнинг "дозасини ошириб юбориб" ҳаёт шами ўчганидан хабар топасиз.

"Игнага ўтириб қолган" кишига ёрдам беролмаслигимиз табиий. Бироқ у кимнинг "хизматлари" эвазига шу балога гирифтор бўлди. Саидисоева ва Ширматовалар каби касларнинг хизмати қанча бўлаётир бундай хазон бўлаётган умрларда. Улар кўриб-билиб туриб, шундайин жиноятга қўл уришмоқда, ўз ҳаракатларини қорин тўйдириш қайғуси билан изоҳлашади, адашишганини айтишади. Бир кекса киши "очдан ўлганнинг мозори йўқ" деган сўзларни бот-бот такрорлагувчи эди. Бу сўзларнинг маъноси жуда чуқур эканлигини тобора аниқроқ ҳис қиляпман. Одамларнинг хонумонига ўт қўйгандан кўра ҳар нарса бўлган маъқул эмасми?

Гиёҳвандликка ўрганганлар бу йўлнинг қанчалик ҳалокатли эканлигини тушунганларидан кейин ҳам ундан қайтишга иродаси етмас экан, уларнинг қўлига оғуни тутқазаётган ҳаромхўрлар ўз нафсларини тийишса бўлмайдими. Ҳа, аслида дунёдаги барча бало-қазоларга кўксимиздаги нафс балоси сабабчи.

Ф.Саидисоеванинг ота-оналари Зариф Саидисоев ва Санобар Солиева, С.Ширматованинг турмуш ўртоғи Бекназар Ширматовнинг суд мажлисида ўз оила аъзоларининг нима билан шуғулланаётганини билмасликлари, аҳволлари оғирлиги-ю, саломатлиги ночорлигини айтиб "сайрашганини" кўрсангиз эди.

Сайёра Ширматованинг иши билан танишган киши у яшаётган маҳалла фуқаролар йиғини раисининг уни очиқда қолдиришни сўраб берган илтимосномасига эътибори тушиши мумкин. Бунчалар лоқайд бўлмасак. Маҳалла фаоллари, оқсоқол қўни-қўшни сал "уйқусини очиб" атрофида нималар бўлаётганига эътибор берганларида балки бундай ишларга қўл урилмаган бўлармиди.

Маҳалла оқсоқолига жиноий иш билан, яна одамларга оғу тарқатишдек даҳшатли жиноий иш билан судланувчини ҳимоясига олиш унчалик хуш ёқмаса керак. Шу ҳаракатларини олдинроқ қилганида маҳалла-кўй шаънига шунча гап-сўз бўлмасмиди.

Ҳар икки ожизага ҳам барча оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олиниб, енгил жазо белгиланди. Аммо бундан тўғри хулоса чиқариша олармикан? Бу ҳолат кўпларга сабоқ бўлармикин? Бир нарса дейиш қийин. Негаки ҳаётда Инсонга сабоқ бўларли воқеалар жуда кўп бўлган. Уларнинг ҳар бири бизга сабоқ бўлганида эди, бугун улар ҳаётимизда яна такрорланмаган бўларди. Минг афсус...

**Неъмат ИСЛОМОВ,**
**Янгиер шаҳар прокурори,**
**адлия катта маслаҳатчиси.**


## "ЎЗДОНМАҲСУЛОТ" ДАК КОРХОНАЛАРИ, ЖАМОА,ШИРКАТ, ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**"БАРАКА"**

***ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси уруғлик буғдойни қаттиқ ва чангли қоракуя касалликларига қарши дорилашда юқори самара берувчи "Барака" номли препаратни харид қилишни таклиф этади.***

*Препарат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Давлат кимё комиссия"си томонидан 2000 йил 25 августда № 50379 сон остида рўйхатга олиниб, кўзланган мақсадларда ишлатишга рухсат этилган.*

*Препарат токсикологик гигиена хулосасига кўра IV синфга мансуб.*

*Ўзбекистон Республикаси "Давлат кимё комиссия"сининг 2002 йил 25 августдаги № 01-15-28-35-сонли "Баённома"сига асосан хўжаликларда, фуқароларга ажратилган ерларга экиладиган уруғлик буғдойни қаттиқ ва чангли қоракуя касалликларига қарши жойларда "Барака" препаратини қўллаб дорилашга рухсат берилган.*

**Препаратнинг 1 тонна уруғлик буғдойга сарф меъёри 0,4 килограмм.**

**1 килограмм препаратнинг нархи 10 минг сўм.**

**Харид қилинган препаратга сифат "Сертификати" берилади.**

**ФИРМА МАНЗИЛГОҲИ: ТОШКЕНТ Ш., МУХТОР АШРАФИЙ КЎЧАСИ, 108А-УЙ. ГУРУЧ ЗАВОДИ БЕКАТИ. ТЕЛ.: 93-00-10, 182-76-19.**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

**қуйидаги ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг бош бухгалтерларини тайинлаш бўйича**

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Норин – Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;**
**Норин – Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;**
**Сирдарё - Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;**
**Қуйи – Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;**
**Чирчиқ – Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;**
**Аму – Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;**
**Аму – Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;**
**Аму – Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;**
**Қуйи – Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;**
**Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси;**
**Бирлашган диспетчерлик марказига эга бўлган Фарғона водийси магистрал каналлари тизими бошқармаси.**

Танловда соҳа бўйича олий маълумотга ва мутахассислиги бўйича 8 йилдан юқори иш стажига эга бўлган юқори малакали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қатнашиши мумкин. Танловнинг қўшимча шартлари билан танлов комиссиясида тўлиқ танишиш мумкин.

Номзодларнинг ҳужжатлари 2003 йилнинг 15 октябрига қадар қабул қилинади.

**Мурожаат учун адрес**: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 4-уй. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 28-хонаси. 41-27-20 ва 41-52-14 рақамли телефонлар.


# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## АВТОҲАЛОКАТ ЖАБРИ

***Сешанба куни Шимолий Корея Демократик Республикаси раҳбари Ким Чен Ирнинг рафиқаси Ко Ен Хи автоҳалокат натижасида оғир аҳволда касалхонага ётқизилди, дея хабар беради "Vesti.ru".***



Олинган маълумотларга қараганда, собиқ раққоса бўлмиш Ко хоним айни кунларда янги операни саҳналаштириш устида иш олиб бораётган эди. Ко хонимнинг автоҳалокатга учраши туфайли спектаклни ниҳоялаш номаълум муддатга орқага суриладиган бўлди. Айрим норасмий хабарларга қараганда эса, Ко Ен Хини Ким Чен Ирнинг биринчи рафиқасининг тарафдорлари четлатишга уринишганмиш. Улар Шимолий Корея доҳийсининг катта ўғли Ким Чен Намни бўлажак раҳбар сифатида кўришни исташади. Айни ҳолатга эътиборни қаратадиган бўлсак, ҳозирча Ким Чен Ирнинг Ко хонимга бўлган муҳаббати сўнган эмас.

## МУСОБАҚАГА АЙЛАНДИ

***7 октябр куни Россия президенти Владимир Путин ўзининг 51-таваллуд айёмини нишонлаш мақсадида Санкт-Петербургга ташриф буюрди.***



Шуниси қизиқки, унинг туғилган куни муносабати билан табриклар, совғалар юбориш ўзига хос мусобақага айланиб кетди. Уларнинг хусусиятлари ва қимматлилик даражаси ҳам анчагина юқори эканлигини эса айтиб ўтиришнинг ҳам ҳожати бўлмаса керак. Жумладан, Япония бош вазири русча қуйлай оладиган электрон кучук ҳадя этган бўлса, Молдова раҳбари биллурдан ясалган тимсоҳ тасвирини совға қилди. Украина президенти Леонид Кучма номидан юборилган қуёш соати ҳамда Грузия президенти Эдуард Шеварнадзе жўнатган "Она орзуси" картинаси ҳам энг қиммат совғалар қаторидан жой олади.

## ВАЛИАҲД УЙЛАНМОҚЧИ

***Кеча Копенгагенда Дания валиаҳди Фредрик ҳамда австралиялик Мэри Элизабет Дональдсонларнинг унаштириш маросими бўлиб ўтди.***



Келин-куёвлар бундан уч йил муқаддам Сиднейда ўтказилган Олимпиада ўйинлари пайтида танишган эдилар. Шаҳзода ҳамда мулк масалалари агенти ўртасида пайдо бўлган муҳаббат риштаси шу қадар чамбарчас боғланган эдики, Мэри Элизабет тез орада севгилисининг она тили бўлмиш дат тилини ҳам ўрганиб олди. Қироллик оиласида эса чет эллик қариндошлар сони яна биттага кўпайди. Чунки, қиролича Маргарет француз дипломатига турмушга чиққан бўлса, Фредрикнинг укаси Гонг-Конглик соҳибжамол билан оила қуришга улгурганди.

## "КОИНОТГА ЛИФТДА ЧИҚИНГ!"

***"Циолковскийнинг орзуси ушаладиган бўлди. Фақат, уни яқин 30 йил ичида амалга ошириш мумкин", дея ҳисоблашмоқда Халқаро аэронавтика конференцияси иштирокчилари.***



АҚШнинг Лос-Аламос шаҳридаги махсус лабораторияда қаттиқ ва сиқиқ, аммо ўзидан бир неча миллион маротаба оғирликка эга бўлган буюмларни кўтара оладиган модда яратилганлиги эълон қилингач, аэронавтика билимдонлари юқоридаги фикрга келишди. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, агар тадқиқотлар ўзини оқласа, 2030 йилга бориб инсоният эни 95 см, қалинлиги эса бир неча миллиметрликда бўлган махсус лента – нанотруба орқали 13 тонна юкни бемалол 90 километр баландликка қадар етказа олиши мумкин экан. Демак, бир вақтнинг ўзида бир неча юз кишини ҳам коинот бағрига саёҳатга чорлаш мумкин бўлади. Тадқиқотнинг айни шу томони халқаро туризм соҳаси вакилларининг иштаҳасини очган бўлса, не ажаб.

## НИЯТ - УРУШНИ ТЎХТАТИШМАС

***Reuters ахборот агентлигининг хабар қилишича, Сурия давлати томонидан Яқин Шарқ минтақасини янги жанггоҳга айлантиришда айбланган Исроил ҳукумати ўзининг ҳарбий юришларини тўхтатиш ниятида эмас.***



Исроил Бош вазири Ариэл Шароннинг таъкидлашича, "Исроил ўз душманларига қаерда ёки қандай бўлишидан қатъий назар, қақшатқич зарба беришда давом этади". Унинг айтишига қараганда, шанба куни Хайфада уюштирилган терактга жавобан Сурия ҳудудларига бўлган авиация ҳужуми қонга қон билан жавоб қайтаришнинг муқаррарлигини билдиради.

## ТУРКИЯ ИРОҚНИ ТИКЛАШДА ҚАТНАШМОҚЧИ

***Сешанба куни Туркия парламенти Ироқда тинчликни сақлаш ва давлатни тиклаш ишларида фаол иштирок этишни ёқлаб овоз берди.***



Бироқ, депутатларнинг 183 нафари Туркиянинг Ироққа қўшин киритишига қарши овоз берган. Расмий Анкара Ироқ курдлари ҳамда Туркия жанубидаги курдларнинг исён чиқаришидан хавфсирамоқда. Ироқ бошқарув кенгашининг айрим вакиллари ҳам юқоридаги фикрни билдиришган. Улар Ироққа юборилаётган қўшин ичида турк аскарларининг бўлиши этник можароларни авж олдириб юбориши мумкин, дея ҳисоблашаётир.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**


Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти қуйидаги ихтисосликлар бўйича

## АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. 06.02.01 – "Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш ва селекцияси" ихтисослиги бўйича – 1 та ўрин;
2. 06.02.04 – "Хусусий зоотехния; чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси" ихтисослиги бўйича – 1 та ўрин.

**Ҳужжатларни қабул қилиш муддати 10.11.2003 йилгача.**

